

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үч.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**АРИПОВ ДИЛШОД УРИНБАЕВИЧ**

**СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Арипов Дилшод Уринбаевич**

Суд ҳокимияти мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг  
замоноваий тенденциялари..... 3

**Aripov Dilshod Urinbaevich**

Modern trends in organizational and legal improvement of the independence of the  
judiciary ..... 37

**Арипов Дилшод Уринбаевич**

Современные тенденции организационно-правового совершенствования  
независимости судебной власти..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 70

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үч.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**АРИПОВ ДИЛШОД УРИНБАЕВИЧ**

**СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Yu98 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Рўзиназаров Шухрат Нуралиевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Суюнова Дилбар Жолдасбаевна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Тухташева Умида Абдиловна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Саидгазиева Нилуфар Шерзодовна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 11 октябрь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2022 йил 29 сентябрь куни тарқатилди.

(2022 йил 29 сентябрдаги 16-рақамли реестр баённомаси).

**Пўлатов Б.Х.**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Исоқов Л.Х.**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Рахимов Ф.Х.**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи ҳуқуқий механизмларнинг самарали фаолиятини таъминлаш ҳар бир давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий равнақи айнан унда ҳуқуқ устуворлиги ва ижтимоий адолатнинг таъминланганига бевосита боғлиқдир. Шу боис, замон талаблари асосида суд-ҳуқуқ ислохотларини тизимли амалга ошириш, миллий қонунчиликни ривожлантириш, айниқса, суд ҳокимияти мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг замонавий тенденцияларини устувор тадқиқот объекти сифатида илмий жиҳатдан ўрганиш ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳондаги турли ҳуқуқий тизимга эга давлатларда судлар мустақиллигини таъминлаш ғоятда мураккаб вазифа бўлиб, бу биринчидан, мустақилликни таъминловчи омилларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий характерга эгаллиги, иккинчидан, бошқа ҳокимият тармоқларининг ушбу мустақилликка риоя қилишдан манфаатдорлигини таъминлашга оид ҳуқуқий механизмларнинг етарли эмаслиги билан изоҳланади. Шу боис, БМТнинг Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларида барча давлат органлари ва бошқа муассасалар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилишга ва унга риоя этишга мажбурлиги қайд этилган<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ва жадал ислохотларга қарамадан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини таъминлаш, одил судловнинг холис ва беғаразлигига эришиш бўйича муайян муаммолар мавжуд. Хусусан, Мерос жамғармаси Ўзбекистонда суд ҳокимиятини расман мустақил бўлсада, ижро ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тобелигини, суд ҳокимиятининг мустақиллиги даражасини халқаро стандартларга жавоб бермаслигини эътироф этганлиги<sup>2</sup>, “Суд фаолияти самарадорлиги” индекси бўйича мамлакатимиз кўрсаткичи 2021 йилда амалдаги 50,8 баллдан 13,1 баллга (-37,7) пастлаганлиги<sup>3</sup>, БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан мамлакатимизда одил судлов мустақиллиги ва беғаразлигига раҳна солувчи омилларни бартараф қилишга оид 20 дан ортиқ таклиф ва тавсиялар берилганлиги<sup>4</sup>, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг 4-раунд мониторинги натижаларига кўра суд тизимидаги коррупциявий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган 10 дан ортиқ тавсиялар берилганлиги<sup>5</sup>, Ўзбекистонда 2020 йилда учта ҳолатда судьяларнинг

<sup>1</sup> Основные принципы независимости судебных органов ООН.

[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/indep.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml)

<sup>2</sup> 2021 index of Economic freedom. //heritage.org/index/country/uzbekistan.

<sup>3</sup> <https://kun.uz/news/2022/04/14/uzbekistonning-xalqaro-reytinglardagi-orni-malum-qilindi>

<sup>4</sup> <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/Add.1>

<sup>5</sup> [https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

дахлсизлиги бузилгани, 2021 йилда эса тўртта шундай ҳолат юз бериб, аниқланган ҳолатлар бўйича иккита жиноят, иккита маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзғатилганлиги<sup>6</sup> судлар мустақиллигига оид ҳуқуқий кафолатлар самарадорлигини ошириш бўйича асослантилган илмий хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Судьялар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра 61 фоиз судьялар амалдаги қонунчиликда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминловчи кафолатлар етарлича белгиланмаганини, 66 фоизи судья сифатида мустақиллиги амалда қисман таъминланганини, 81 фоизи суднинг мустақил фаолият юритишига турли омиллар таъсир кўрсатаётганини, судьялар мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролидан фақат 12 фоизи тўлиқ қониқиш ҳосил қилишини билдиргани соҳада ислоҳотларни янада изчил давом эттириш даркорлигини, сўнгги беш йилда суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришга оид 39 та қонун, 64 та Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинганига қарамасдан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида 3 та концепция, 2 та кодекс, 3 та янги қонун қабул қилиниши режалаштирилгани одил судловни амалга оширишнинг демократик тизимини янада мустаҳкамлашга оид норматив-ҳуқуқий асосларни ривожлантириш, соҳани ақлли тартибга солувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришнинг илмий-назарий ечимини топиш заруратини вужудга келтирмоқда. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттираемиз” номли маърузасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: “Айни вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ушбу соҳа фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди. Суд хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратишимиз зарур”<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” (2021), “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида” (2017), “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида” (2021)ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июндаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон, 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон, 2021 йил 13 январдаги “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши фаолиятига оид Ахборотнома. 2021 йилнинг биринчи ярми. [https://sudyalarioliykengashi.uz/uploads/pages/Axborotnoma\\_compressed.pdf](https://sudyalarioliykengashi.uz/uploads/pages/Axborotnoma_compressed.pdf)

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттираемиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2021 йил 6 ноябрь.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6134-сон фармонлари, 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>8</sup> Суд ҳокимияти мустақиллигини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотлар ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида, жумладан Federal Judicial Centre (АҚШ), Justice Studies Center of the Americas (Чили), University of Utrecht and Netherlands (Нидерландия), Carey Law School University of Pennsylvania (АҚШ), Beirne School of Law, University of Queensland (Австралия), The Judicial Studies institute of Masaryk University (Чехия), Nagoya University (Япония), National Research Council of Italy (Италия)да олиб борилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида қуйидаги илмий тадқиқот натижаларига эришилган, жумладан: одил судловнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини баҳолаш методологияси ва индикаторлари таклиф этилган (University of Utrecht and Netherlands), суд мустақиллигининг индивидуал ва институционал хусусиятларини ажратиш, сиёсий ҳолат ва ижро ҳокимияти билан муносабатидан қатъи назар суд ҳокимиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти (University of Pennsylvania), суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан мустақиллиги индикаторлари таклиф этилган (Beirne School of Law, University of Queensland), суд ҳокимияти мустақиллиги, ҳисобдорлиги, транспарентлиги, суд ҳокимиятига жамиятнинг ишончи концепциялари алоҳида ўрганилиши лозимлиги, мазкур тушунчалар фақатгина судьялар ҳамжамияти томонидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги, суд ҳокимиятининг “de jure” ва “de facto” мустақиллигини ажратиш таклиф этилган (The Judicial Studies institute of Masaryk University), суд ҳокимияти мустақиллиги индикаторлари “ички мустақиллик” ва “ташқи мустақиллик” категорияларига асосланиши, қиёсий тадқиқотларда суд тизимларининг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш таклиф қилинган (National Research Council of Italy).

Шунингдек, бугунги кунда дунёда мазкур тадқиқотга доир масалалар бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: суд ҳокимиятининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий институт сифатидаги роли, суд органларининг очиклиги, конституциявий суд назорати институтини такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигига

<sup>8</sup><https://cejamericas.org/en/>, <https://www.uu.nl/en>, <https://www.upenn.edu>, <https://law.uq.edu.au/>,  
<https://www.muni.cz>, <https://www.cnr.it/en>

оид халқаро стандартлар, мустақил одил судловни амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, одил судловга эришишнинг ҳуқуқий механизмлари, суд ҳокимиятининг назорат функциясини амалга ошириш, суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқ, суд ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий қилиш, судлар фаолиятини рақамлаштириш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, судларда комплаенс назоратни ташкил этиш шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш мавзусида кўплаб ҳуқуқшунос олимлар у ёки бу даражада тадқиқот олиб боришган. Улар жумласига У.Қ.Мингбоев, Ф.Ф.Мухитдинова, Ш.Н.Рўзиназаров, Б.У.Жамолов, Б.Х.Пўлатов, М.М.Мамасиддиқов, Б.И.Исмаилов, О.Р.Сулаймонов, Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, Э.К.Сабилов, Б.А.Муминов, Д.Х.Абдуқодиров ва бошқа олимларни киритиш мумкин.

МДҲга аъзо давлатлар, айниқса, Россия Федерацияси олимлари томонидан суд ҳокимияти мустақиллигининг мазмун ва моҳияти атрофлича илмий тадқиқ этилганлигини эътироф этиш мумкин. Хусусан, И.Я.Фойницкий, Ю.А.Дмитриев, Т.А.Замятина, Н.С.Калинина, В.И.Анишина, Ю.Н.Сафоненко, А.В.Тищенко, О.В.Брянцева, О.Л.Солдаткина, Ю.А.Жданова, А.К.Василенок, А.А.Чучвал, К.В.Рыбкина, М.Д.Омаров, М.И.Клеандров, А.А.Гусейнов, А.А.Черевко, Р.С.Абдулин, А.А.Кайгородов, Е.В.Казакова, Е.В.Бурдина, А.Ф.Изварина, Б.В.Сангаджиев, Е.Г.Стребкова, В.И.Руднев, М.В.Чижов, М.А.Умарова, Т.В.Паршина, С.Р.Абдуллина, П.И.Киселев, Ю.С.Коренева ва бошқа олимлар судлар мустақиллигининг ҳуқуқий табиатига бағишланган бир қатор тадқиқотлар олиб борганлиги мавзу доирасидаги муаммоларга илмий қизиқиш жуда катта эканлигидан далолат беради.

Хорижлик олимлардан Орландо Афонсо, Winston P.H., Эндрю А., Haugeland J., Энтони М.Кеннеди ва бошқалар мавзу предмети доирасида илмий изланиш олиб борганлар<sup>9</sup>.

Бироқ, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги асосларини, айниқса, уни ташкилий-ҳуқуқий такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга оид масалалар ҳозирги замоннинг ривожланиш тенденциялари ва талаблари асосида монографик тарзда илмий тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Кенгашининг 2020 йил 30 июндаги (7-сонли баённома) мажлисида тасдиқланган ва Академия илмий-тадқиқот режалари дастурига киритилган.

---

<sup>9</sup> Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.



**Тадқиқотнинг мақсади** суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш ҳамда уларни тадбиқ этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда мустақил суд ҳокимиятининг тутган ўрнини аниқлаш, унинг ўзига хос функциялари ва хусусиятларини тадқиқ этиш;

суд ҳокимияти ҳамда судьялар мустақиллиги асосларини тадқиқ этиш, шунингдек улар мустақиллигини таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий кафолатларини тавсифлаб бериш;

мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини очиб бериш;

халқаро ҳужжатлар мазмун-моҳияти асосида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш заруратини очиб бериш, халқаро рейтинг ва индексларнинг судлар мустақиллигини таъминлашдаги ролини таҳлил қилиш;

судларда ҳуқуқий хавфсизликни таъминлаш, судлар фаолиятини рақамлаштириш ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ ва таълимини ривожлантириш заруриятининг илмий-назарий асосларини ёритиб бериш;

суд тизимида коррупцияга қарши курашиш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

судьялар ҳамжамияти органларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги ролини очиб бериш, уларнинг мустақиллигини кучайтиришга оид чора-тадбирларни белгилаш;

суд назорати ва суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги фаолиятининг юридик табиати ва ролини тизимли тадқиқ этиб ўрганиш;

суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга доир қонунчилик ҳамда уни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизими ва уларни такомиллаштиришга оид ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, соҳага оид халқаро ва хорижий тажриба, концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, мантиқийлик, қиёсий ва статистик таҳлил, социологик сўров, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик тадқиқот, қонунчиликни шарҳлаш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

судьялар ҳамжамияти ва судьялар ҳамжамияти органлари тушунчаларига муаллифлик таърифи берилиб, Судьялар олий кенгашининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан зарур ахборот, ҳужжат ва материалларни сўраб олиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурияти асослаб берилган;

судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларнинг муносиблигини аниқлаш учун Судьялар олий кенгашининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан тегишли ахборотларни сўраш мажбуриятини бекор қилиб, зарур ҳолларда ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлиги асослантирилган;

суд тизимида коррупцияни олдини олиш мақсадида судьяларни навбатдаги муддатга тайинлашнинг аниқ муддати ва тартибини белгилаш зарурияти асослантирилган;

судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловга аралашганлик ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан прокуратура органларига киритилган тақдимнома процессуал тартибда кўриб чиқилиши, судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фақат судьяларнинг малака ҳайъатлари розилиги билан чақирилишига йўл қўйилиши, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолатлари ҳақида Кенгаш раиси томонидан ҳар йили Давлат раҳбарига ахборот тақдим этиб бориш тартибини жорий қилиш зарурлиги асослаб берилган;

Судьялар олий кенгашида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини ҳамда судьяликка номзодлардан малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Имтиҳон комиссиясини тузиш, комиссия қарорлари устидан Кенгашга шикоят қилиш тартибини белгилаш бўйича таклифлар асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳар бир давлатнинг конституциясида белгиланиши лозим бўлган суд ҳокимияти мустақиллигига оид асосий кафолатларни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқлаш таклифи ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ахборот сиёсати асосларини белгиловчи стратегияни қабул қилиш ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Қонунни “Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш”, “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш” деб номланган янги боблар билан тўлдириб, судьяларнинг мустақиллигини кучайтиришга оид янги нормалар билан тўлдириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

Судьялар олий кенгашини суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи масъул орган этиб белгилаш, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари котибларини Кенгашнинг Суд инспекциясига бириктириш зарурияти асослантирилиб, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунда Кенгаш аъзоси лавозимига номзодга қўйиладиган талабларни белгилаш, Кенгаш аъзолига номзодларни сайлаш тартибини жорий қилиш, Кенгаш аъзосини лавозимидан озод қилишда Кенгашнинг асослантирилган хулосасини

олиш, Кенгаш аъзоларини кетма-кет икки марта лавозимга тайинламаслик, Кенгашга норматив-ҳуқуқий характердаги қарорлар қабул қилиш ваколатини беришни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқилди;

“Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда судьялар ҳамжамияти органлари таркибига Судьялар курултойи, Судьялар олий кенгаши, судьяликка номзодлардан малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Имтиҳон комиссияси, Судьялар олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари, вилоят судлари судьяларининг конференцияларини киритиш назарда тутилди;

судьяларнинг алмаштирилмаслиги, уларни турли судьялар ҳамжамияти органлари томонидан интизомий жавобгарликка тортиш, судьялар фаолиятини уларнинг сифат кўрсаткичлари, касбий кўникмалари ҳамда шахсий фазилатлари асосида баҳолаш, судьяларни лавозимга тайинлашда Судьялар олий кенгаши ваколатларини кучайтиришни назарда тутувчи нормаларни “Судлар тўғрисида”ги Қонунда белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ нормалари, хорижий тажриба, назарий-методологик доктринага асосланган, социологик сўровномалар, статистик маълумотлар ва суд амалиёти материаллари расмий манбалардан олиниб, умумлаштириб ўрганилган, соҳага оид миллий қонун ҳужжатлари ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилинган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқот мавзусига оид ўтказилган социологик сўровларда 1100 нафар фуқаролар ва 580 нафар судьялар иштирок этган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Ишончли тарзда олинган тадқиқот натижалари ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, судлар фаолиятини ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда, шунингдек суд фаолияти йўналишидаги таълим жараёнини янада бойитишда, суд ҳокимиятига оид илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда юридик олий таълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Судьялар олий кенгашининг давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек мансабдор шахслардан ҳамда фуқаролардан

Кенгаш фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотни, ҳужжатларни ва бошқа материалларни сўраб олиши ҳуқуқига эга бўлиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-566-сон Қонунининг 12-моддаси 2-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилиб, ушбу таклиф “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси 31-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 06/1-05/3007-1-сон далолатномаси). Мазкур таклиф Судьялар олий кенгаши ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Судьялар олий кенгашининг судьялик лавозимига номзодларнинг муносиблигини аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан зарур ахборотларни сўраб олиш ҳуқуқига эгаллиги, Кенгашнинг сўровларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатига оид талабларни белгилаш таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-566-сон Қонунининг 12-моддаси 5-бандига асосан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмини янги таҳрирда ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 06/1-05/3007-1-сон далолатномаси). Ушбу таклиф судьяларни лавозимга тайинлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳулосасини олиш шартлиги ҳақидаги қондани бекор қилиб, судьяларни тайинлашда Кенгашнинг мустақил фаолият юритишини кафолатлашга имкон яратган;

янги ваколат муддатига ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирган судья ваколатлари муддати тугашига камида олти ой қолганда аризани ва зарур ҳужжатларни тегишли судьяларнинг малака ҳайъатига бериши, судьянинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин Кенгаш уч ой ичида номзоднинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки номуносиблиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши кераклиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-566-сон Қонунининг 12-моддаси 8-бандига асосан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунига янги модда сифатида киритилган 241-модданинг 1- ва 5-қисмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 16 ноябрдаги 06/1-05/3007-1-сон далолатномаси). Мазкур таклиф судьяларни навбатдаги муддатга тайинлашда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга, судьяларнинг Кенгаш олдидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилган;

судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой

муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзғатилганлиги ёки кўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилиши, судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилиши, суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилишига оид тақлифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармони 3-бандининг иккинчи-тўртинчи хатбошилари ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 9 сентябрдаги 527-21-сон далолатномаси). Мазкур тақлиф Кенгаш томонидан киритиладиган тақдимномаларни процессуал тартибда кўриб чиқилиши тартибининг жорий қилинишига, судьялар дахлсизлигини кучайтиришга ҳамда Кенгашнинг судьялар мустақиллигини таъминлашдаги ролини оширишга имкон яратган;

судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини тузиш ҳамда Кенгаш ҳузурида Имтиҳон комиссияси тузиш ва унинг қарорлари устидан Кенгашга шикоят қилиш тартибини белгилаш ҳақидаги тақлифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармони 4-бандининг 3-хатбошиси ва 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 9 сентябрдаги 527-21-сон далолатномаси). Ушбу тақлиф суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи махсус тузилмани ташкил этишга ҳамда судьяликка номзодларни шаффоф тарзда танлаш тартибини жорий қилишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 2 та илмий-амалий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та (21 та республика ва 2 та хорижий журналларда), илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 4 та мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 259 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича миллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Суд ҳокимияти мустақиллигининг гнесологик ва методологик тавсифи”** деб номланиб, унда суд ҳокимиятининг қонун устуворлигини таъминлашдаги ўрни ва функциялари, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар тизими, мамлакатимизда мустақил суд ҳокимиятининг шаклланиш босқичлари ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида таъминлашга оид масалалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг **“Мустақил суд ҳокимиятининг қонун устуворлигини таъминлашда тутган ўрни, функция ва хусусиятлари”** деб номланган биринчи параграфида муаллиф томонидан илмий адабиётлар ва қонунчилик таҳлил этилиб, уларда суд ҳокимиятига берилган таъриф унинг мазмунини тўлиқ акс эттирмаслиги, уни фақат одил судловни амалга оширувчи орган сифатида таърифлаши ҳақида хулосага келиниб, суд ҳокимиятининг вазифаларидан келиб чиқиб, унинг мазмун-моҳияти янада кенгроқ очиқ берилган.

Диссертантнинг фикрича, суд ҳокимиятини фақат суд тизими ёки одил судловни амалга оширувчи орган сифатида тушунмаслик керак. Зеро, суд ҳокимияти одил судловни амалга ошириш баробарида, суд тизимини бошқарувчи, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро мувозанатни сақловчи, судьялар мустақиллигини таъминловчи, жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга кўмаклашувчи, жамиятда адолатни қарор топтиришга хизмат қилувчи давлат ҳокимияти тармоғи ва маҳсул тизимга эга бўлган орган ҳисобланади.

Диссертант суд ҳокимиятининг ўзига хос белгилари юзасидан бир қатор олимлар (Ш.Монтескье, Н.С.Калинина, С.Познышев, Л.К.Савюк, К.Ф.Гуценко, Ф.Ф.Мухитдинова, М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев, В.А.Четвернин, В.А.Ржевский, Н.М.Чепурнова, А.В.Смирнов ва бошқалар)нинг фикрларини ўрганади ва суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатади. Шунингдек, суд ҳокимиятини амалга ошириш шакллари унинг қонунчиликда назарда тутилган ваколат ва функцияларини амалда қўллаш орқали реализация қилинишидан келиб чиқиб, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқ ижодкорлиги, назорат қилиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш турларига ажратади.

Шунингдек, диссертант халқаро ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилган ҳолда суд ҳокимиятининг мустақиллиги институционал ва шахсий мустақиллик асосида таъминланишига тўлиқ қўшилган ҳолда институционал мустақиллик (суд органининг мустақиллиги) суд ҳокимиятини амалга оширишда унинг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил ҳолда фаолият юритишини, шахсий мустақиллик (судьялар мустақиллиги) эса одил судловни амалга оширишда судьяларнинг ички ва ташқи таъсирдан холи бўлишини аниқлаш ҳақида асосланган хулосага келади ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиқади. Диссертантнинг фикрича, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига суд органлари, судьялар ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллигини таъминлаш орқалигина эришиш мумкин.

Диссертация ишида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлар тизими илмий таҳлиллар асосида ёритиб берилган. Муаллиф суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатларини қонунда белгиланиши муҳим аҳамият касб этиши, зеро фақат қонун билан белгиланган кафолатларгина суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлай олиши ҳақида хулосага келади. Хорижий давлатларнинг хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Грузия, Украина, Арманистон Конституцияларида белгиланган суд ҳокимиятига оид кафолатлар бир-биридан фарқланиши ва бу борада ягона ёндашув ва мезонлар мавжуд эмаслиги боис, ҳар бир давлатнинг конституциясида белгиланиши лозим бўлган суд ҳокимияти мустақиллигига оид асосий кафолатлар рўйхатини БМТнинг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплари асосида шакллантириб, уни БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси билан тасдиқлаш таклифи илгари сурилади. Диссертант суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларни моддий ва процессуал турларга ажратган ҳолда тадқиқ этиб, моддий ҳуқуқий кафолатлар сифатида суд ҳокимиятининг фақат судлар томонидан амалга оширилиши ва махсус суд тизимига эгаллиги, судларни ташкил қилиш ва бошқариш судлар томонидан мустақил ҳал қилиниши, судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьялар ҳамжамияти томонидан амалга оширилиши, судлар умуммажбурий характердаги ҳужжатлар қабул қилиши, суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси ҳамда ҳуқуқни мустақил қўллаш ҳуқуқига эгаллиги, суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги, ўзини ўзи назорат қилиши, ўз раъзларига эгаллиги, процессуал кафолатлар сифатида эса қуйи ва юқори инстанция судлари ўртасида қатъий чегаранинг мавжудлиги, ишларни бир суддан бошқа судга ўтказиш тартибининг қонунда белгилангани, ҳар бир суднинг мустақиллиги ҳудудийлик, ихтисослик ва босқичлилик асосида таъминлангани, суд таркибининг қонунийлиги ва ўзгармаслиги ҳақида ўз илмий-амалий ёндашувларини асосли тарзда изоҳлаб беради.

Муаллиф ишда Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият берган. Шу мақсадда 1990-2021 йилларда мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини шакллантиришга оид ислохотлар тизимли илмий таҳлил қилинган. Ушбу давр уч босқичга бўлинган ҳолда тадқиқ этилиб, биринчи босқич (1991-2000 йиллар)

мамлакатимизда мустақил суд ҳокимиятини ташкил этиш, судларни ҳукумат таъсиридан халос этиш, одил судловни фақат қонунга мувофиқ амалга ошириш бўйича муҳим ҳуқуқий асосларни яратиш даври бўлганлиги, иккинчи босқич (2000-2015 йиллар)даги ислохотлар мавжуд ҳуқуқий қафолатларни янада такомиллаштириш, жумладан, қонунларни танқидий баҳолаган ҳолда моддий ва процессуал қонунларни янги таҳрирда қабул қилиш, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш, судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш, судлар ваколатларини кенгайтириш кабилар орқали судлар мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги, учинчи босқич (2016-2021 йиллар) суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини халқаро андозаларга мувофиқ таъминлаш, суд органларининг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини ошириш бўйича кенг кўламли ислохотлар даври сифатида эътироф этилиши ҳақида хулосага келинади.

Изланувчи судлар мустақиллигини таъминлашга халқаро ҳуқуқ нормаларининг бевосита таъсир кўрсатиши, зеро халқаро ҳужжатни маъқуллаган давлатлар учун улар асосий ва зарур талабларни, уларга риоя қилишга оид мажбуриятларни, муайян қонун ҳужжати билан ўрнатилиши лозим бўлган қафолатларни белгилашини эътироф этади. Диссертант суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга оид халқаро стандартларни уларни қабул қилган ташкилот мақомига, ҳужжатнинг амал қилиш доирасига кўра универсал ва минтақавий турларга, тартибга солиш предметига кўра умумий ва махсус турларга, қабул қилинган (маъқулланган)лигига кўра мажбурий ва ихтиёрий турларга ажратган ҳолда тадқиқ этади. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи энг асосий универсал ва махсус ҳужжат – бу БМТ томонидан 1985 йилда қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплар” деган хулоса чиқарилиб, миллий қонунчиликни ундаги нормалар билан таққослаган ҳолда янада такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” деб номланиб, унда судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий қафолатларини такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда ҳуқуқий хавфсизликка риоя этиш, судлар фаолиятини рақамлаштириш ҳамда касбий одоб-ахлоқ ва суд таълимини ривожлантиришнинг зарурияти ва шартлари таҳлил этилади.

Тадқиқотчи судьянинг мустақиллиги суд ҳокимияти мустақиллигининг таркибий қисми ҳисобланиши ҳамда судьянинг мустақиллиги фақат мустақил суд ҳокимиятидагина таъминланиши мумкин деган хулосага келиб, судьялар мустақиллиги қонунлар ва судьяларнинг шахсий масъулияти ёрдамида таъминланиши, бунда судьялар мустақиллиги лавозимга сайлаш (тайинлаш) ва ундан озод қилиш, дахлсизлик, одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил, судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши, судга ҳурматсизлик ёки суд ишларига аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик, судьяга давлат ҳисобидан муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш, судьяларнинг алмаштирилмаслиги ва уларнинг истеъфога чиқиш ҳуқуқига эгаллиги орқали



таъминланишини илмий-амалий таҳлил этади. Диссертант хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда судьялар дахлсизлигини кучайтириш, уларни лавозимга тайинлаш ва жавобгарликка тортиш тартибини, судьяларнинг ҳисобдорлиги, халқ маслаҳатчилари ва суд маслаҳатхонасининг сир тутилиши институтларини такомиллаштириш, судга ҳурматсизлик учун маъмурий ва жинойий жавобгарликни кучайтиришга оид қатор таклифларни илгари суради.

Тадқиқот ишида миллий ҳуқуқий доктринада суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда ҳуқуқий хавфсизликка риоя этилишининг восита ва усуллари тавсифлаб берилган. Илмий-методологик жиҳатдан суд ҳокимиятининг хавфсизлиги тушунчаси хорижий ва миллий ҳуқуқий тизим нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этилади. Муаллиф (Ю.Н.Сафоненко Р.С.Хисматуллин) фикрларини ўрганиб, бу борадаги методологик қарашларни таҳлил қилган ҳолда суд ҳокимиятининг хавфсизлиги суд органлари ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашнинг асосий қафолатларидан бири эканлигини, у одил судловни турли таҳдид, босим ва аралашувлардан ҳимоялашини, суд ҳокимияти ва судьялар хавфсизлиги уларни таъминлаш асосларига кўра алоҳида категория сифатида тадқиқ этилиши ҳақида тўхтамга келади ҳамда ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий суд ҳокимиятининг хавфсизлигини таъминлашга оид таклифларни илгари суради. Тадқиқотчининг фикрича, суднинг хавфсизлигини таъминлаш ишларининг ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилиши суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига зид ҳисобланади ва ижро ҳокимияти олдида тобеликни вужудга келтиради. Шу боис, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти таркибида Судларда хавфсизликни таъминлаш хизматини тузиш, унинг фаолиятини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш тартибини жорий этиш таклиф этилади.

Диссертацияда судлар фаолиятини рақамлаштириш улар мустақиллигини таъминлашнинг омили сифатида тадқиқ этилган. Муаллиф ҳуқуқшунос олимлар (Ф.А.Воскресенский, А.В.Тимченко, А.Сухаренко, А.Козырев, О.В.Колга, Е.Б.Калашникова, А.В.Тищенко, А.К.Василенок, А.А.Чучвал, М.Д.Омаров, О.В.Брянцева, О.Л.Солдаткина, Э.Сабиров, М.А.Савкина кабилар)нинг фикрларини таҳлил қилиб, судлар фаолиятини рақамлаштириш нисбатан кенг тушунча бўлиб, электрон судлов механизмларини ва суд ишларини электрон шаклда юритишни назарда тутиши, судлар фаолиятига ахборот технологияларини жорий қилиш эса улар фаолиятини рақамлаштириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаши ҳақида хулосага келган. Муаллиф тадқиқот ишида электрон одил судлов тизими одил судловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча хизматларни ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширишни, судлар фаолиятини рақамлаштириш эса электрон дастур ёрдамида амалга ошириладиган ҳаракатларни одатда судья томонидан бажариладиган процессуал ҳаракатларга тенглаштиришни ва бир бутун процессуал жараёни назарда тутишини асослаб беради. Диссертант айниқса, бу борадаги суд ҳокимиятининг замонавий тенденцияларини тадқиқ этиб, судлар фаолиятига сунъий интеллектни жорий қилиш бўйича П.Уинстон, А.Эндрю, Ж.Хохланд, П.Морхат, И.В.Воронцова, Ю.А.Лукониналарнинг фикрларини ўрганган ҳолда сунъий интеллект тизими

судларда коррупциянинг олдини олишга, судларга бўлган ишончни мустаҳкамлашга, судьяларнинг хато ва камчиликларга камроқ йўл қўйишига, одил судлов сифатини яхшилашга сабаб бўлиши ҳақида хулосага келади.

Диссертация ишида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда касбий одоб-ахлоқ ва суд таълимини ривожлантиришнинг зарурияти ва шартлари ёритиб берилган. Изланувчи ҳуқуқшунос олимлар (М.И.Клеандров, М.Мадаминов, Б.И.Исмоилов, А.А.Черевко, В.В.Момотов, Р.Р.Абдулин, Н.Я.Соколов, А.А.Кайгородов) нуқтаи назарларини таҳлил этиб, суд этикаси одил судловни амалга оширишда иштирок этувчи шахсларнинг одоб-ахлоқ қоидалари мажмуи бўлиб, асосан процессуал қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиниши, судьялар этикаси эса жамият ва судьялар ҳамжамиятининг судьяларга нисбатан меҳнат фаолияти ва ундан ташқари вақтдаги одоб-ахлоқ талаблари бўлиб, одил судловни самарали амалга оширишнинг зарур воситаси деган хулосага келади. Шунингдек, муаллиф суд ва судьялар этикаси, судьянинг лаёқатлилиги ва малакалиги тушунчаларининг фарқли жиҳатларини илмий таҳлил этган ҳолда, судьяларнинг зарур ҳуқуқий билим ва юксак маънавий фазилатларга эга бўлиши одил судловни самарали амалга ошириш воситаси эканлиги, бунинг учун муносиб судьялар корпусини шакллантириш, судьялар учун талабларни ва одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаш, судьяларнинг билими, ахлоқий ва касбий фазилатларини шакллантирувчи тегишли таълим муассасаларини тузиш ҳамда судьяларнинг белгиланган талабларга риоя қилишини назорат қилувчи махсус органларни ташкил этиш лозимлиги асослаб берилган. Бундан ташқари, судьяларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этиш асослари, шартлари, тартиби, молиялаштириш манбалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг мақоми, тузилиши, вазибалари ва ваколатларига оид нормаларни “Судлар тўғрисида”ги Қонунда белгилаш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Диссертациянинг **“Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурияти, судьялар ҳамжамияти органлари ва улар фаолиятида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масалалари таҳлил этилган.

Диссертант ишда ҳуқуқшунос олимлар (Е.В.Казакова, Қ.Абдурасулова, Б.И.Исмоилов, Э.Ф.Гадоев, А.Каблов, Ф.Йўлдошев, Е.Бурдина, Ю.А.Дмитриев, М.А.Шапкин, Ю.И.Шумилов, А.Ф.Изварина, Б.В.Сангаджиев) фикрларини таҳлил этган ҳолда суд тизимида коррупцияга қарши кураш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурияти ва аҳамиятига оид масалаларни тадқиқ этган. Муаллифнинг фикрича, суд тизимидаги коррупциянинг ўзига хос жиҳати – бу судьянинг қонунни бузмаган ёки учинчи шахсларга зарар етказмаган ҳолда ҳам шахсий ёки моддий манфаатдорликка эришиши мумкинлиги, судьянинг шахсий манфаатдорлиги деганда унинг

шахсий, молиявий ёки бошқа мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган ўзга шахслар учун хизмат вазифаларини амалга ошириш даврида моддий кўринишдаги даромад ёки бошқа ноқонуний манфаатдорлик олиш имконияти тушунилиши, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш коррупциянинг олдини олиш, коррупцияни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш каби комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлиши лозимлигидир. Диссертант суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни субъектлар ва суд органлари мустақиллигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлардан келиб чиқиб ички ва ташқи турларга ажратади. Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида самарали амалга оширилиши боис, диссертацияда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳамда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашнинг Истанбул ҳаракатлар режаси тавсияларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилиниб, уларни реализация қилиш бўйича тегишли фикр-мулоҳазалар асосли тарзда ифода этиб берилган.

Диссертант суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи махсус орган фаолият юритиши заруратига тўхталиб, Судьялар олий кенгашини суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи масъул орган этиб белгилаш, шунингдек “Судлар тўғрисида”ги Қонунни мазкур соҳани тартибга солувчи нормаларни, коррупцияни олдини олиш ва унга чек қўйиш механизмларини ўзида акс эттирган “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш” номли янги боб билан тўлдириш таклифини илгари суради.

Муаллиф судьялар ҳамжамияти органлари, улар фаолиятида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштиришга оид масалаларни тадқиқ этиб, судлар фаолиятининг судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан ҳисобланиши, зеро судларнинг фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш принципи асосида ташкил этиш суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан холи ва ташқи аралашувисиз фаолиятини юритиш имконини бериши, шунга кўра судьялар ҳамжамияти фақат судьялардан ва улар томонидан тузиладиган махсус органлардан ташкил топиши, судлар фаолиятини бошқаришда муайян ваколатларга эга бўлиши ва албатта уларнинг ўзи ҳам мустақил ҳолда фаолият юритиши талаб этилиши ҳақида хулосага келади. Судьялар ҳамжамияти қонунийлик, мустақиллик, сайланишлик, коллегиялик, холислик, тенглик ва ошкоралик принциплари асосида фаолиятини юритиб, судларни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил қилинади ҳамда судларнинг ўзини ўзи бошқариши ва судьялар мустақиллиги принципларига амалда риоя қилиниши кафолати ҳисобланади. Диссертант халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиб, “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш, судьялар ҳамжамияти органлари таркибини шакллантириш, шунингдек Судьялар олий кенгашининг мақомини

суд ҳокимияти мустақиллигини кафолатловчи орган сифатида Конституцияда белгилаш лозимлиги ҳақида тўхтамга келади.

Судьялар ҳамжамияти фаолиятида коррупциянинг олдини олиш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари аъзоларига нисбатан талабларни белгилаш, уларни шаффоф тарзда тайинлаш (сайлаш) ва лавозимидан озод этиш, улар таркибига жамоатчилик аъзоларини жалб қилиш, судьялар ҳамжамияти аъзолари мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, судьялар ҳамжамияти органларининг алоҳида бюджетга эга бўлишини таъминлаш, бюджет маблағларини камайтириш ёки рад этиш масалалари уларнинг розилиги билан ҳал қилиниши тартибини белгилаш зарур деган хулосага келинади.

Изланувчи ишда судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш масалаларини илмий-назарий тадқиқ этиб, судлар фаолиятига оид “очиклик”, “ошкоралик”, “шаффофлик” тушунчаларини таҳлил қилиб, уларнинг суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишдаги ролини очиб беради. Диссертант ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар (Б.Х.Пўлатов, Б.У.Жамолов, Э.К.Сабилов, Е.Г.Стребкова, В.И.Руднев, Л.В.Туманова, К.С.Рыжков) фикрларини ўрганган ҳолда “очиклик” “ошкоралик”ка нисбатан кенгрок тушунча бўлиб, “ошкоралик” процессуал қонунчиликда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан, суд ҳокимиятининг очиклиги бутун суд фаолиятига нисбатан қўлланилиши, “шаффофлик” очиклик ва ошкораликнинг натижаси ўларок, судлар фаолиятини фақат қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этиш ёки камайтириш, суд тизимида коррупцияга барҳам бериш, судлар фаолияти ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш имконини назарда тутиши ҳақида хулосага келади. Тадқиқот ишида суд ҳокимиятининг очиклигини таъминлаш усуллари, судлар фаолиятига оид ахборотга эга бўлиш, одил судловнинг ошкоралиги, судлар фаолияти ҳақидаги маълумотлар рўйхати амалдаги қонунчилик асосида умумлаштирилиб, уларнинг фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлашдаги ўрни ёритилган. Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги Қонунни “Суд органлари фаолиятининг очиклиги” деб номланган янги боб билан тўлдириб, унда ушбу соҳани тартибга солувчи асосий нормаларни белгилаш ҳамда соҳани тизимли ва илмий жиҳатдан асосланган тартибга солишга оид суд ҳокимиятининг ягона ахборот сиёсати концепциясини қабул қилиш зарурати асосланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари”** деб номланиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда суд назорати институтининг роли, суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги ва индивидуал тартибга солиш фаолияти самарадорлигини ошириш истиқболлари, суд ҳокимияти мустақиллигини халқаро рейтинг ва индекслар талаблари асосида ривожлантириш, судлар

фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

Тадқиқотчи ишда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда суд назорати институтининг ролига оид масалаларни илмий-назарий тадқиқ этган, “назорат” ва “контроль” тушунчаларини таҳлил қилиб, назорат тушунчасини уни амалга ошириш шакли ва қонунда берилган ваколатдан келиб чиқиб умумий ва махсус турларга, назорат қилиш объектига кўра ички ва ташқи турларга ажратади. Шунингдек, муаллиф ҳуқуқшунос олимлар (Х.Т.Одилқориев, Б.Э.Қосимов, Э.Т.Хожиев, Д.М.Миразов В.М.Лебедев, Б.А.Мўминов, В.А.Азаров, В.И.Иванов, Н.С.Калинина, А.Хидоятуллаев, Л.К.Савюк, Н.А.Колоколов, М.А.Умарова)ларнинг фикрларини таҳлил қилиб, умумий суд назорати фақат қонунда белгиланган ваколатлар доирасида маъмурий чораларни қўллаган ҳолда, махсус суд назорати эса процессуал қонунда назарда тутилган тартибда одил судлов шаклида амалга оширилади деган нуқтаи назарни илгари суради. Диссертантнинг фикрича, суд назорати уни амалга ошириш шаклидан келиб чиқиб умумий тартибда идоравий назорат шаклида, махсус тартибда эса конституциявий, жиноят, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий судлов фаолияти шаклида амалга оширилади. Суд назорати давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини қонунга ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқлигини текшириш, қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда айбдорларга нисбатан чоралар кўриш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш баробарида, ҳокимиятлар ўртасида мувозанатни сақлаш ва ўзаро тийиб туришни назарда тутди. Шунга кўра, суд назорати ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тартибга солиш, ташкилий таъминлаш, тарбиялаш каби функцияларни амалга оширади деган хулосага келинади.

Диссертациянинг яна бир ғоятда муҳим жиҳати шундаки, тадқиқотчи ҳуқуқшунос олимлар (Е.В.Бурдина, Х-М.И.Исоқов, Д.Х.Абдуқодиров, Г.Ф.Шершеневич, А.В.Чуряев) томонидан илгари сурилган илмий ғоя ва ёндашувларни тадқиқ этган ҳолда суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги ва индивидуал тартибга солиш фаолияти самарадорлигини таъминлаш истиқболларини ёритиб берган. Диссертант илмий хулосалар ва халқаро тавсиялар таҳлилидан келиб чиқиб, судларнинг ўзини-ўзи бошқариши улар фаолиятига оид муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни ҳам ўзлари томонидан қабул қилинишини, яъни норма ижодкорлиги билан шуғулланишини тақозо этиши ҳақида хулосага келади. Суд ҳокимиятининг норма ижодкорлиги Олий суднинг қонунчилик ташаббуси ва қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларига расмий фикр билдириш ҳуқуқига эгаллиги, Олий суд Пленуми ва суд қарорларининг умуммажбурий характерга эгаллиги, юқори инстанция судларининг куйи судлар учун мажбурий кўрсатмалар бериш ваколатига эгаллиги, судларнинг қонун ва ҳуқуқ аналогиясини қўллаши ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатига баҳо бериши, суд ишларини кўришда норма назоратини амалга ошириши шаклларида амалга оширилиши ҳақидаги фикрлар асослантириб берилган.

Мазкур йўналишда судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Судьялар олий кенгашига норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарор қабул

қилиш ваколатини бериш, судлар фаолиятига оид ҳар қандай қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини Судьялар олий кенгаши билан келишишнинг мажбурийлигини белгилаш таклифлари илгари сурилади.

Муаллиф суд ҳокимияти мустақиллигини халқаро рейтинг ва индекслар талаблари асосида ривожлантиришга оид масалаларни ҳуқуқшунос олимлар (П.И.Киселев, С.Ю.Глазьев, М.В.Глигич-Золотарева) нуқтаи назарларини таҳлил этиб, халқаро рейтинглар асосида суд органлари мустақиллигининг таъминланганлиги ҳолатига қараб муайян давлатда қонун устуворлиги аҳволи, унинг иқтисодий салоҳияти, унга инвестиция киритиш ва тадбиркорлик учун яратилган муҳит ҳақида ҳулосага келиниши нуқтаи назаридан ёндашиб, халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини ошириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда тўлиқ ҳимоя қилишга хизмат қилиши, давлат органларининг рейтинг ва индексларда назарда тутилган талаблар асосида фаолиятини ташкил этишга ундаши ҳақида ҳулосага келади. Диссертант Коррупцияни тийиб туриш (Control of Corruption), Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of law index), Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси (The Democracy index), Иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom), Бизнес юритиш индекси (Doing business) кабиларни таҳлил қилиб, уларда мамлакатимиз кўрсаткичларини янада ошириш мақсадида тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглари” номли ягона портални ташкил қилиш, халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни аккредитациядан ўтказган ҳолда ваколатхоналарини очиш, нодавлат миллий рейтинг ташкилотларини тузиш лозимлигини асослаб беради.

Тадқиқот ишида судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир масала тизимли таҳлил этилиб, суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги ўз эҳтиёжлари учун зарур пул маблағларига эга бўлиш, судларни молиялаштириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, пул маблағларидан мустақил фойдаланиш, судьяларни юксак мақомига муносиб равишда моддий-техник ва ижтимоий таъминлаш нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Диссертант халқаро андозалар ва Озарбайжон, Украина, Швейцария, Молдова, Литва, Арманистон давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, судлар ва судьялар фаолияти фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонунда белгилаб қўйилган қатъий ва аниқ суммалар доирасида молиялаштирилиши, судларни моддий-техник таъминлашга оид асосий қоидаларни, шу жумладан судларни молиялаштиришнинг алоҳида тартибини қонунда белгилаш, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида тўхтамга келади. Шунингдек, судьяларнинг ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий чоралар турларига ҳам тўхталиб, ижтимоий ҳимоялашнинг кафолатларини кучайтириш, хусусан тиббий хизмат кўрсатиш, муайян ҳолларда судьянинг оила аъзоларини ишга, мактабгача ва мактаб муассасаларига жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш, даволаниш учун тиббий ва дам олиш масканларига йўлланмалар бериш кабиларни белгилаш каби таклифларни асосли тарзда ифода этиб берган.

## ХУЛОСА

Мавзуни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

### **I. Илмий-назарий хулосалар:**

1. Диссертацияда суд ҳокимияти ва унинг мустақиллиги тушунчалари концептуал ва методологик жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидаги илмий доктринал таърифлар таклиф этилади:

Суд ҳокимияти – бу давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлган, холис, беғараз, фақат қонунга бўйсунган ҳолда одил судловни ва суд назоратини амалга ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишга кўмаклашиш орқали фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, мажбурий характерга эга қарорлар қабул қилувчи, алоҳида ҳуқуқий мақомга эга судьялар корпусидан иборат бўлган суд органлари тизимидир.

Суд ҳокимиятининг мазмунини суд органларининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни, судлар фаолиятини, шу жумладан одил судловни амалга оширишда вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи кафолатлар, судьялар ҳамжамияти органларининг фаолияти ташкил қилади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги – бу судларнинг қонунчилик ва ижро ҳокимиятларидан мустақил (сиёсий, ҳуқуқий, моддий ва ташкилий жиҳатдан) фаолият юритиш, судьялар ҳамжамияти томонидан шакллантириладиган мустақил судьялар корпусига эга бўлиш, ўзини ўзи бошқариш, давлат номидан одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириш, умуммажбурий характерга эга суд қарорларини қабул қилиш ва уларнинг бошқа идоралар томонидан қайта кўриб чиқилмаслиги бўйича кафолатларга эга бўлиш, суд фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги ташқи ва ички аралаштиришдан ҳимояланиш ҳуқуқидир.

2. Суд ҳокимияти фақат мустақил бўлгандагина ўзининг вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириши мумкин, зеро давлат ва жамият фақат мустақил суд ҳокимияти фаолиятидан манфаатдор бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, шунингдек давлатнинг жамиятда адолатни қарор топтириш вазифаси айнан суд ҳокимиятининг мустақил фаолият олиб боришини тақозо этади. Шу боис, суд ҳокимиятининг мустақиллиги генетик жиҳатдан ҳокимиятлар бўлиниши принциpidан вужудга келади ва унинг юксак мақомини белгиловчи бирламчи ҳуқуқий асос ҳар бир давлатнинг конституциясида ўз аксини топади. Мустақиллик суд ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолиятининг барча босқичларида таъминлангандагина тўлиқ намоён бўлиши сабабли, конституцияда суд ҳокимияти, судьялар ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари мустақиллигини таъминловчи асосий кафолатларни белгилаш талаб этилади.

3. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига судларнинг институционал, судьяларнинг шахсий ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллигини таъминлаш асосида эришиш мумкин. Институционал мустақиллик суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларига нисбатан алоҳида орган сифатида мустақил фаолият юритишини, шахсий мустақиллик одил судлов ва қонунчиликда белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширишда судьяларнинг ички ва ташқи таъсирдан холи бўлишини, судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллиги эса уларни ташкил қилиш ва фаолиятини юритишда барча давлат ҳокимияти органлари ва шахслардан мустақиллигини англатади.

Суд мустақиллиги ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси сифатида судларнинг бошқа давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлиши боис, уни бутунлай ички суд ҳодисаси деб ҳисоблаш мумкин эмас. Шу боис, суд ҳокимиятининг ички ва ташқи мустақиллиги фарқланади. Ички мустақиллик суд органларининг ўзаро ҳамда судьялар ҳамжамияти органларидан, ташқи мустақиллик бошқа давлат ва нодавлат органлари, фуқаролик жамияти институтларидан мустақил фаолият юритишни англатади.

4. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги нисбатан кенг тушунча бўлиб, судьялар мустақиллигини белгиловчи ва кафолатловчи асосий омилдир. Суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллиги алоҳида, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи тушунчалардир. Улар мустақиллигини таъминловчи ҳуқуқий асослар бир-биридан фарқланади. Судьяларнинг мустақиллиги фақат мустақил суд ҳокимиятини ташкил этиш орқали таъминланади. Ўз навбатида, судьяларнинг қонун устуворлигини таъминлашда одил судловни мустақил, холис ва беғараз амалга ошириши суд ҳокимияти мустақиллигининг ғоятда муҳим кафолати ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қуйидаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, шу жумладан процессуал кафолатлар ёрдамида таъминланади:

суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритиши ҳамда улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш функцияларини бажариши;

суд ҳокимиятини ташкил этиш ва мустақил фаолият юритишини белгиловчи асосий қоидаларнинг фақат қонунда белгиланиши шартлиги;

давлат органлари ва бошқа шахсларнинг суд ҳокимияти мустақиллигини тан олишлари ва ҳурмат қилишлари давлат томонидан кафолатланиши;

суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланиши ва қонунчиликда белгиланиши, низоларни ҳал қилувчи муқобил институтлар ҳам фақат қонунда белгиланган тартибда тузилиши лозимлиги;

одил судлов фақат махсус суд органлари тизимидан ташкил топган суд ҳокимияти томонидан амалга оширилиши, суд ҳужжатлари фақат судлар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги, фавқулодда судларни ташкил қилиш тақиқланиши;

судларнинг ўзини ўзи назорат қилиши, уларга тааллуқли барча масалалар фақат судьялар ва судьялар ҳамжамияти органлари томонидан ҳал этилиши;



суд ҳокимиятини фақат қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинладиган ва мустақил фаолият юритиши қонунчилик билан қафолатланган судьялар амалга ошириши;

суд ҳокимиятининг ўз рамзларига эгаллиги;

суд ҳокимиятининг мажбурий характерга эга бўлган қарорлар қабул қилиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қилиш ваколатлари орқали ҳукмронлик функцияларига эгаллиги;

одил судловни амалга оширишга аралашиб тақиқланиши ва белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқариши;

суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига, Олий суд Пленуми қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича умуммажбурий бўлган тушунтиришлар бериш ваколатига эгаллиги;

суд ҳокимиятини молиявий таъминлаш давлат томонидан қафолатланиши ҳамда махсус қонунларда белгиланиши лозимлиги;

куйи ва юқори инстанция судлари ўртасида қатъий чегаранинг мавжудлиги, ҳудудийлик, ихтисослик ва босқиччилик асосида ҳар бир суднинг мустақиллиги таъминланганлиги, суд таркибининг қонунийлиги ва ўзгармаслиги.

Судьялар мустақиллиги уларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тайинлаш, қайта тайинлаш, жавобгарликка тортиш ва рағбатлантиришнинг алоҳида тартиби, уларнинг ваколат муддати, дахлсизлиги, алмаштирилмаслиги, сўз ва бирлашиш эркинлиги, профессионал сири, одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил, улар фаолиятига таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик, муносиб моддий ва ижтимоий таъминот, белгиланган қафолатларни қисқартиришга ва чеклашга йўл қўйилмаслиги орқали таъминланади.

5. Судьялар ҳамжамияти суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя қилинишини амалда таъминлаш, судларни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий вазифаларни амалга ошириш, уларни ҳар қандай ички ва ташқи тазйиқлардан ҳимоялаш, жамиятда судларнинг нуфузини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Судьялар ҳамжамияти деганда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминловчи, судлар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда бевосита иштирок этувчи, судьяларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, одил судловни қонуний ва адолатли амалга оширилишига кўмаклашувчи, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилувчи республика барча судларининг судьялари ва улар томонидан ташкил этиладиган судьялар ҳамжамияти органлари мажмуи тушунилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари деганда суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи, унинг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга, судьялар фаолиятига оид ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилишга ваколатли бўлган, асосан судьялардан ташкил топадиган юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида тузилмалар тушунилади.

6. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган, функционал кўп қиррали, динамик ҳодисадир. Бундай

мустақилликнинг даражаси кўплаб субъектив ва объектив омилларга боғлиқ. Субъектив омиллар ҳукумат ва мансабдор шахсларнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадлари билан суд ислоҳотлари натижаси ўртасида ўзаро муштараклик асосида белгиланса, объектив омиллар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳволи, давлат органлари ва фуқароларнинг ислоҳотларга тайёргарлик даражаси, аҳолининг одил судловга эҳтиёжи орқали белгиланади. Шу нуқтаи назардан, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доимий, тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириладиган мураккаб ва узок муддатли жараён ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида суд ислоҳотлари бир неча босқичларда амалга оширилганини қайд этиш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар даврини уларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад, мустақил давлат ва жамиятни тараққий эттириш эҳтиёжи ва заруриятининг объектив омилларини инобатга олиб, уни шартли равишда уч босқичга, яъни биринчи босқич суд ҳокимияти мустақиллигини шакллантириш босқичи (1991-2000 йиллар), иккинчи босқич – суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш босқичи (2000-2015 йиллар), учинчи босқич – суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш босқичи (2016-2021 йиллар)га ажратилиб, ҳар бир босқичнинг ўзига хос ривожланиш тенденциялари, жамиятдаги ўзгаришларга ҳамоҳанглиги, ютуқ ва камчиликлари илмий-методологик жиҳатдан асослангириб берилди.

7. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи халқаро стандартлар деганда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи асосий ва зарур талабларни, уларга риоя қилиш ва ҳурмат қилишга оид мажбуриятларни, муайян қонун ҳужжати билан ўрнатилиши лозим бўлган суд ҳокимияти мустақиллигига оид кафолатларни белгиловчи, уларнинг мазмун-моҳиятини тавсифловчи, суд органлари, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг судлар мустақиллигини таъминлашга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек судлар ва судьялар мустақиллигини таъминловчи механизмларни белгиловчи халқаро ҳуқуқий нормалар тушунилади. Судлар мустақиллигига оид халқаро стандартларнинг универсал ва минтақавий, умумий ва махсус, мажбурий ва ихтиёрий турлари тавсифланди.

Суд ҳокимиятининг институционал мустақиллигини таъминловчи асосий кафолатларни конституция даражасида белгилаш, давлатларнинг ушбу соҳадаги мавжуд амалиётини унификация қилиш мақсадида махсус халқаро ҳужжат – Суд органлари мустақиллигини таъминлашнинг асосий кафолатлари тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқиб, Ташқи ишлар вазирлиги орқали БМТга киритиш ҳамда Бош Ассамблеянинг резолюцияси билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

8. Суд ҳокимияти хавфсизлиги ва судьялар хавфсизлиги узвий боғлиқ бўлган ва ўзаро фарқланадиган алоҳида категория сифатида илмий-назарий тавсифланиб, уларга қуйидагича муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

Суд ҳокимиятининг хавфсизлиги – бу суд органларининг ўз ваколатларини амалга ошириши, ўзини-ўзи бошқариши ва назорат қилиши бўйича институционал мустақиллигининг, шунингдек суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга

оширишларида ички ва ташқи таъсирлардан ва ҳар қандай шаклдаги таҳдидлардан давлат томонидан ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан кафолатланган ҳимоя восита ва усуллари ёрдамида ҳимояланганлик ҳолатидир.

Судьяларнинг хавфсизлиги деганда уларнинг одил судловни фақат қонунга ва қалб амрига мувофиқ амалга оширишига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, шу жумладан ҳар қандай шаклдаги аралашув, таҳдид, зўрлик ва босимлардан давлат томонидан кафолатланган ҳимоя восита ва усуллари ёрдамида ҳимояланганлик ҳолати тушунилади.

Суд ҳокимиятининг хавфсизлиги ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан таъминланади.

9. Электрон одил судлов тизими ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида одил судловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар (электрон муурожаат ва ҳужжат алмашинуви, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, аудио ва видеоёзиш, суд қарорларини веб-сайтга жойлаштириш, суд иши ҳаракатини электрон кузатиб бориш ва б.)ни назарда тутди. Судлар фаолиятини рақамлаштириш эса судларнинг фаолият шаклини ўзгартиришни, яъни электрон дастур ёрдамида амалга ошириладиган ҳаракатларни одатда судья томонидан бажариладиган процессуал ҳаракатларга тенглаштиришни ва бир бутун процессуал жараён (суд мажлиси баённомасини электрон юритиш, суд қарорини электрон имзолаш, суд ишини “сунъий интеллект” ёрдамида ҳал қилиш ва б.)ни назарда тутди. Тадқиқотчининг фикрича, сунъий интеллектни асосан низосиз, соддалаштирилган ва буйруқ тартибида кўриладиган ишларга татбиқ этилиши ижобий натижа беради. Бошқа суд ишлари бўйича эса сунъий интеллект муайян иш бўйича намунавий ечим ишлаб чиқишни назарда тутиши, судья ҳар қандай иш юзасидан қарор қабул қилишида сунъий интеллект томонидан тақдим этилган намунавий ечимни эътиборга олиши, мазкур ечим билан қўшилмаса бунинг сабабини қарорида асослаб беришига оид тартибни жорий қилиш мақбул ечим саналади.

10. Судьяларнинг зарур ҳуқуқий билим, касбий кўникма ва юксак маънавий фазилатларга эга бўлиши улар шахсий мустақиллигининг кафолати ҳисобланади. Бинобарин, етарли билим, тажриба ва кўникмага эга судья одил судловни бошқа шахслар (судья, прокурор, адвокат, тараф)нинг фикри ёки таъсири асосида эмас, балки ўзига ва ички ишончига таянган ҳолда холис амалга ошириш имконига эга бўлади. Бунинг учун қуйидаги асосий ташкилий, ўқув-услубий ва маънавий-ахлоқий масалаларни ҳал қилиш: а) муносиб судьялар корпусини шакллантириш; б) судьялар учун талаблар ва одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаш; в) судьялар билими, ахлоқий ва касбий фазилатларини шакллантирувчи махсус таълим муассасаларини тузиш; г) судьяларнинг қонун ва ички қоидаларга риоя қилишини назорат қилувчи механизмларни жорий этиш талаб этилади.

11. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги одил судловга эришиш ҳамда жамиятда адолат ва қонун устуворлигини қарор топтиришда судларнинг алоҳида роли ва мавқеини намоён этувчи махсус назорат функциясини амалга ошириш орқали ҳам таъминланади. Суд назоратига бўлган эҳтиёж ижтимоий характер касб этиб, унинг объектив зарурияти қуйидагилар билан белгиланади: а)

судларнинг ўзини ўзи назорат қилиши орқали суд ҳокимияти ва одил судловнинг мустақиллигини таъминлаш; б) ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш; в) ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийлик ва қатъий интизомни таъминлаш; г) фуқароларнинг қонунга итоаткор муносабатда бўлишига, ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишига эришиш.

Суд назорати уни амалга ошириш шаклидан келиб чиқиб, умумий тартибда идоравий назорат шаклида, махсус тартибда эса конституциявий, жиноят, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий судлов фаолияти шаклида амалга оширилади. Бунда умумий суд назорати огоҳлантириш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, махсус суд назорати бузилган ҳуқуқларни тиклаш вазифасини бажаради.

12. Суд тизимидаги коррупция – бу судья ва суд ходимининг шахсий манфаатдорликни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида учинчи шахсларга зарар етказган ёки етказмаган ҳолда ўз ваколатларини суиистеъмол қилишидир. Суд тизимида коррупция асосан манфаатлар тўқнашуви оқибатида вужудга келади. Манфаатлар тўқнашувининг мажбурий белгиларига судья ва суд ходимининг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олганлиги ёки олиши мумкинлиги ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш деганда коррупциянинг олдини олиш, коррупцияни барвақт аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

13. Судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлиги бири-биридан фаркланувчи тушунчалардир. Очиқлик ошкораликка нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, суд ҳокимиятининг “очиқлиги” бутун суд фаолиятига, “ошкоралик” процессуал қонунчиликда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан қўлланилади. Суд ҳокимиятининг “шаффофлиги” очиқлик ва ошкораликнинг натижаси ўлароқ, судлар фаолиятини фақат қонунчиликка риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этиш ёки камайтириш, суд тизимида коррупцияга барҳам бериш, судлар фаолияти ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш имконини назарда тутуди.

14. Суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект сифатида Конституцияда эътироф этилганлиги, Олий суд Пленуми ва суд қарорларининг умуммажбурий характерга эгаллиги, шубҳасиз, унинг ушбу соҳада қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақиллигини таъминловчи муҳим қафолат ҳисобланади. Суд органларининг норма ижодкорлиги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалик, қонунчиликни қўллаш юзасидан мажбурий характерга эга бўлган тушунтиришлар бериш, қонун ҳужжатларини қўллашда муқобил усуллар (қонун ва ҳуқуқ аналогиясини қўллаш)дан фойдаланиш (яратилган суд амалиёти келгусида шунга ўхшаш ишларни ҳал қилишда ҳуқуқий асос вазифасини бажариши мумкин), норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатига баҳо бериш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб

топиш натижасида тегишли органни қонунга мувофиқ бўлган янги ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишига мажбур этиш шаклларида амалга оширилади.

15. Суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги деганда судлар ва судьяларнинг нормал фаолият юритиши учун етарли миқдорда моддий, техник ва ижтимоий таъминлашга оид кафолатларнинг қонунчиликда белгиланганлиги, судларга оид давлат бюджетини шакллантиришда судлар ва судьялар ҳамжамияти органларининг фаол иштирок этиши, ажратилган маблағлар мустақил тақсимланиши ва тасарруф этилиши ҳолати тушунилади.

Судларнинг чинакам молиявий мустақиллигига эришиш мақсадида судларни молиялаштирувчи жамғармаларни тузишга йўл қўйилмаслиги, суд ҳокимиятининг фақат давлат бюджетидан молиялаштирилиши, ҳар йилги суд ҳокимияти бюджети миқдори унинг ўзи томонидан эҳтиёжга кўра шакллантирилиши ва ушбу жараёнга бошқа давлат органларининг аралашishiга йўл қўйилмаслиги, ажратилган пул маблағлари давлат бюджетининг алоҳида сатрида кўрсатилиши, ажратилган пул маблағларидан мустақил ҳолда фойдаланиш имкониятининг яратилишига оид кафолатларни белгилаш зарур.

## **II. Қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар:**

16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида:

а) Конституциянинг 106-моддасини иккинчи қисм билан тўлдириб, унда судлар улар фаолияти учун етарли бўлган миқдорда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши ҳақидаги нормани белгилаш;

б) Конституциянинг XXII боби “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти” деб аталсада, унда қайд этилган моддаларда “суд ҳокимияти” тушунчасига таъриф берилмаган, унинг таркибига қайси органлар кириши аниқ белгиланмаганлиги боис, Конституция 107-моддасининг биринчи қисмини “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини суд тизимига кирувчи судлар амалга оширади” мазмунидаги норма билан тўлдириш, иккинчи қисмида судларни ташкил қилиш асослари, тартиби, судьяликка талаблар, ваколат муддати, судьялар мустақиллиги кафолатларига оид нормаларни белгилаш;

в) Конституциянинг 110-моддаси иккинчи қисмида Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийлиги белгиланган. Бирок, ушбу қоида нафақат Олий судга, балки барча судларга тааллуқлилиги, Олий суднинг қарорлари ҳам қайта кўрилиши мумкинлиги, Конституциянинг 114-моддасида эса суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатларнинг умуммажбурийлиги белгиланганлигини эътиборга олиб, Конституциянинг 110-моддаси иккинчи қисмини чиқариб ташлаш;

г) Конституциянинг 111-моддасида Судьялар олий кенгашини суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатловчи орган сифатида белгилаш;

д) қонунлардаги ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида Конституциянинг 113-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида “Барча судларда ишлар очик кўрилади” жумласини “Барча судларда ишлар ошкора кўрилади” жумласига ўзгартириш таклиф этилади.

17. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, уларнинг суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга оид ваколатларини белгилаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ва судьялар ҳамжамияти органлари таркибига Судьялар курултойи, Судьялар олий кенгаши, судьяликка номзодлардан малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Имтиҳон комиссияси, Судьялар олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари, вилоят судлари судьяларининг конференцияларини киритиш таклиф этилади (қонун лойиҳаси илова қилинади).

18. “Судлар тўғрисида”ги Қонунда:

а) судьялар дахлсизлиги асосларини такомиллаштириш мақсадида судья фақат оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этаётган ёки этган пайтнинг ўзида ушланиши мумкинлиги, ўта оғир жиноят ёки одамнинг ўлимига сабаб бўлган қасддан жиноят содир этган ҳоллардагина қамокқа олиниши мумкинлиги, судьянинг қасддан ноқонуний қарор қабул қилганлиги ҳолати бўйича унга нисбатан жиноят иши фақат низоли қарор юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган ҳоллардагина қўзғатилиши мумкинлиги, судьяга нисбатан тезкор-қидирув ёки тергов ҳаракатлари ўтказишга фақат Бош прокурорнинг тақдимномасига асосан Судьялар олий кенгашининг руҳсати билан йўл қўйилиши, ноқонуний ёки асосиз суд қарори натижасида ишда иштирок этувчи шахсга нисбатан етказилган зарар учун судья мулкий жавобгар бўлмаслиги ва зарар давлат томонидан қоплаб берилиши, ҳарбий ёки фавқулодда ҳолатнинг эълон қилиниши судьялар дахлсизлиги кафолатларини бекор қилишга асос бўлмаслигини назарда тутувчи кафолатларни белгилаш;

б) судьяларнинг алмаштирилмаслигига оид кафолатни белгилаш, унда судьяларни қонунда белгиланган асослардан ташқари муддатидан илгари ваколатини тугатиш ёки тўхтатишга йўл қўйилмаслиги, судьяларни имтиҳондан ёки аттестациядан ўтказишга, уларнинг билимини текширишга умуман йўл қўйиб бўлмаслиги, улар фақат қонунда белгиланган асосларга кўра лавозимидан илгари озод қилиниши мумкинлиги, судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш асосларини қайта кўриб чиқиб, хусусан судьялик қасамёдини бузиш асослари рўйхатини, узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолиш муддатини, судьялар штати қисқартирилганда кўшимча кафолатларни белгилаш;

в) судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартибини қайта кўриб чиққан ҳолда интизомий иш қўзғатиш ва жазо тайинлаш турли судьялар ҳамжамияти органлари томонидан амалга оширилишини, судьяларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор барча қарорлар устидан шикоят қилиш имконининг мавжуд бўлишини, судьяни лавозимидан озод қилиш жазоси унга нисбатан аввал бошқа интизомий жазо қўлланганидан кейингина (меҳнат вазифасини қўпол бузганликдан ташқари) қўллаш мумкинлигини белгилаш;

г) судья фаолиятини баҳолаш мезонлари ва шаффоф тартибини белгилаш, унда баҳолаш асосан судьянинг сифат кўрсаткичлари ва касбий кўникмаларига (суд ишини ташкил қилиш, суд мажлисини олиб бориш, суд қарорларини тайёрлаш, қонунларни қўллаш билиш ва б.), шунингдек шахсий фазилатларига

(одоб-ахлоқ, ички меҳнат қоидаларига риоя қилиш ва б.) асосланиши кераклигини, судья фаолиятини баҳолаш уни жазолаш учун эмас, балки уни мукофотлаш ва юқори раҳбарлик лавозимларига тавсия қилиш, йўл қўйган камчилик ва хатоларини аниқлаб, унинг малакасини ошириш мақсадида ўтказилишини, баҳолашда судья томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазмунига баҳо берилиши мумкин эмаслигини, суд қарорларининг бекор қилингани ёки ўзгартирилгани ҳеч қачон судьяни жазолаш учун асос ҳисобланмаслигини, судьялар фаолиятини баҳолаш судьялар ҳамжамияти томонидан ўтказилишини, баҳолаш натижалари устидан шикоят қилиш тартибини белгилаш;

д) судьяни биринчи марта беш йиллик муддатга ва сўнгра унинг фаолиятини баҳолаш натижалари асосида муддатсиз даврга тайинлаш тартибини жорий қилиш, Конституциявий суд, Олий суд судьялари, шунингдек вилоят судлари раислари ва ўринбосарларини лавозимга тайинлаш (сайлаш)да Судьялар олий кенгаши томонидан тақдим этилган номзодларни рад қилиш асослари ва мезонларини, шунингдек рад қилинган номзод такроран Кенгаш томонидан ушбу лавозимга кўрсатилганда уни рад қилишга йўл қўйилмаслигига оид қафолатларни белгилаш;

е) Қонунни “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш” номли янги боб билан тўлдириб, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида судьянинг яқин қариндошлари рўйхатига турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари, ака-ука ва опа-сингиллари, бобо ва бувилари, набиралари, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингилларини киритиш, судьяликка номзодларни лавозимга тайинлаш, судьяларни қайта ва навбатдаги муддатга тайинлашда психологик текширишдан ўтказишни белгилаш, судьяларнинг учинчи шахслардан ҳар қандай миқдордаги ва кўринишдаги совғалар олишлари борасида чекловларни ўрнатиш, келиб чиқиш манбаи асослаб берилмаган ҳар қандай мол-мулкни ноқонуний топилган мулк сифатида эътироф этиш ва судьяни жавобгарликка тортиш тартибини белгилаш;

ж) судлар хавфсизлигига оид асосий қафолатларни қонунда белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон қарори билан тасдиқланган “Суд бинолари, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномани бекор қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Қонунни судлар ва судьяларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид махсус янги боб билан тўлдириш, судларда хавфсизликни таъминлаш ваколатини Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тузилмасида махсус ташкил этиладиган Судларда хавфсизликни таъминлаш хизматига бериш;

з) Қонунни “Суд органлари фаолиятининг очиқлиги” номли янги боб билан тўлдириб, унда суд органларининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигига оид тушунчалар мазмун-моҳияти, амалга ошириш усуллари, шартлари ва тартибига оид нормаларни, судлар фаолиятига оид ахборотлар рўйхати ва улардан фойдаланиш тартиби, судларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш мажбурий бўлган ахборот ва электрон хизматлар рўйхати, уларни жойлаштириш

тартиби, ахборотни архив фондларига тақдим этиш, суд статистикаси ва суд ҳужжатларидан фуқароларнинг фойдаланиши тартибини белгилаш;

и) Олий суднинг қонунчиликка тақлиф киритиш ва уни кўриб чиқиш механизмини, унинг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиш асослари ва тартибини, ушбу жараёнда барча бўғин судьялари ёки улар вакиллари фикрини ўрганиш мажбурийлигини, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунни 5-моддасида Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси қонунчилик ташаббуси асосида қонун лойиҳасини суднинг муҳокамасига киритишга ҳақлилигини белгилаш;

к) Олий суд Пленуми ва Раёсатининг суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқиш бўйича ваколатларини аниқлаштириш мақсадида Қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисмидан Пленумнинг суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқишига оид ваколатларини чиқариб ташлаш;

л) Олий суд Пленумининг қонунни қўллаш бўйича тушунтиришлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаслиги боис, судья уларга амал қилиш масаласини ўз хоҳишига кўра ҳал қилиши лозим. Шу боис, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ судьялар фақат қонунга бўйсуниларидан келиб чиқиб, Олий суд Пленумининг ушбу мазмундаги қарорларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилаш ёки ушбу қарорларнинг судлар учун тавсиявий характерга эғалигини назарда тутиш;

м) Қонуннинг 67-моддасида судьяликка номзоднинг давлат тилини билиши ҳақидаги талабни белгилаш;

н) “Суд ҳокимиятининг рамзлари” деб номланган алоҳида моддани киритиш, суд ҳокимиятининг рамзлари сифатида судьянинг қасамёди, махсус кийими, кўкрак нишони ва давлат герби тасвири туширилган муҳрини белгилаш;

